



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Сирожиддинов Исломжон Рустамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 214-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15165433>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 4th April 2025

Published: 7th April 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори, якка тартибдаги профилактика, сабаблар ва шарт-шароитлар, хабардор қилиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика (катта) инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш фаолияти ҳақида, хуқуқбузарлик ҳақида кимларга хабардор қилиниши, хабардор қилишнинг таъсир кучи ҳақида сўз боради

Дунёнинг барча давлатлари интилаётган долзарб ва ўта муҳим муаммолардан бири ҳам - бу жиноятчиликнинг олдини олишдир. Хуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарадорлиги ва зарурияти ҳақида қадим замонлардан бери кўп мулоҳазалар айтилган ва ёзишмалар бизгача етиб келган. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини шакллантиришда қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту ўз рисолаларида «давлатнинг жазолаш сиёсатидан кўра, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш - устувор аҳамиятга эгадир» деб эътироф қилишган.

Кейинчалик, С.Монтескью ўзининг «Қонуният руҳи» асарида хуқуқбузарликларнинг олдини олишда устувор жиҳатлар ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: «яхши қонун чиқарувчи жиноят учун жазо бериш ҳақида эмас, балки жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида ўйлаши керак: ахлоқни жазолашга қадар яхшилашга кўпроқ ҳаракат қилиш муҳим¹».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иккинчи йўналиши бўйича қонун устуворлигини таъминлашда хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, 2017-йилнинг 9-февралида ички ишлар органлари тизимида ўтказилган видеоселектор йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тергов ва айбланиш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш

¹ <https://uza.uz/uz/posts/u-u-buzarliklarning-oldini-olish-khal-farovonligi-y-lida-mu--07-09-2020>

сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларни ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарурлиги таъкидланиб, ички ишлар органлари таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор вазифаларнинг қўйилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолияти долзарб аҳамият касб этди.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган

ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли. Ушбу ҳолат гарчи ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома талабларини бажариш жараёнига ўхшаш бўлса-да, аммо «xabардор қилиш» мазмун ва шакл жиҳатдан қўйидагилар билан фарқланади: – «тақдимнома» муайян чоралар кўриш мажбуриятини юкласа, «xabардор қилиш»да огоҳликка, хушёрликка чақириш мақсади кўзланади ва профилактик таъсир кўрсатиш чораларини кўриш ёки кўрмаслик маҳалланинг ҳукмига ҳавола этилади. Бироқ ушбу вазиятда ҳам маҳалла масалага совуққонлик билан қарамаслиги ва уни эътиборсиз қолдирмаслиги лозим;

– «xabардор қилиш»да кўрилган чоралар ҳақида жавоб хати ёзиш талаб этилмайди;

– ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида берилган хабарнома уч йилгача маҳалла архивида сақланиши ва шу давр мобайнида сўралган жойга унга нисбатан тавсифнома беришда хабарнома мазмуни эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади².

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг “Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси” деб номланган V бобининг 32-моддасида кўрсатиб ўтилган³.

Масалага криминологик нуқтаи назардан ёндашилса, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши шахсда шаклланган маънавий-руҳий ҳолат (ғайриижтимоий хулқ-атвор)нинг ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келиши маълум бўлади. Бунда шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки жамиятга зид қарашлар ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароит тариқасида ифодаланади.

² Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дарслиги 2020 йил 132-бет.

³ “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ 371-сон.

Криминолог олимлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт шароитларига нисбий тушунчалар деб қаралади. Чунки, ушбу нисбийлик содир этилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган омилларнинг қайси бирларини сабаб ёки қайсиларини шароит деб белгилашнинг мукамал чегараси мавжуд эмаслиги, натижада уларни аниқлашда турли чалкашликларни келиб чиқишида намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам олимлар бу икки тушунчани у “сабаб” ёки “шароит” бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқбузарлик содир этилишини таъминловчи омиллар, деб ҳисоблайди. Шу боис уларни комплекс тарзда ўрганишда битта криминоген “детерминант”, яъни “ҳуқуқбузарликларнинг детерминантлари”⁴, деб тушуниш керак.

Бу борада профилактика (катта) инспекторларидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

биринчиси, ҳуқуқбузарнинг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий руҳий ва жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари);

иккинчиси, ҳуқуқбузарнинг тарбияси, оиласидаги муҳит, эҳтиёжи, манфаатлари, мотиви, мақсади, ҳаётда танлаган йўли;

учинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, шароит, содир этилиш усули, воситаси;

тўртинчиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда ҳуқуқбузарликни олдини олиш лозим бўлган субъектларнинг фаолияти;

бешинчиси, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг шахси (ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгиси), айбли ёки айбсиз виктимлик ҳолати;

олтинчиси, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар (яқин қариндош, қариндош, қуда-анда, қўшни, маҳалладош, ҳамкасб, синфдош, курсдош, таниш, нотаниш кабилар) ва муносабат (зиддиятли, адоватлашган кабилар);

эттинчиси, ота-онасининг илгари ҳуқуқбузарлик содир этган етмаганлиги, содир этган бўлса, қайси турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлиги кабилар.

Профилактика (катта) инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлашга доир фаолиятини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчи гуруҳ – профилактика инспекторларига кўриб чиқиш ваколати берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш;

иккинчи гуруҳ – профилактика инспекторлари кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган, аммо хизмат олиб бораётган ҳудудда содир этилганлиги аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича сабаб ва шароитларни аниқлаш.

⁴ Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474

Профилактика (катта) инспекторлари тўпланган маълумотларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлари ҳақида якуний хулосага келади ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг оила аъзоларига, ҳуқуқбузар яшайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва иш ёки ўқиш жойига хабардор қилиш чораларини кўради.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома деганда, ўзида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитни тавсифловчи фактик маълумотларни ҳамда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этиш

чора-тадбирларини ифодаловчи, шунингдек тегишли корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаби ва содир этилишига имкон бераётган

шарт-шароитни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи процессуал ҳужжатдир.

Республикамиздаги хизмат олиб бораётган барча профилактика инспекторлари томонидан сидқидилдан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида маҳалласида содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича вақтида *Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг оила аъзоларига, ҳуқуқбузар яшайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва иш ёки ўқиш жойига хабардор қилса маҳалласида ҳуқуқбузарлик ўз ўзидан камайиб профилактика инспектори функционал вазифаларини бажарган бўлади.* Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек “Ички ишлар органлари шундай хизмат қилиши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Инсон тақдирини ҳал этишда ходимнинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт” деган сўзларининг амалда намоён бўлишини, ҳалқимиз давлатдан рози бўлиб тинч тотув яшашини кўришимиз мумкин.

Хуллас, профилактика (катта) инспекторининг маъмурий Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш фаолияти мураккаб, аммо энг муҳим фаолият йўналиши ҳисобланади. Бу борада, Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш роли катта. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу учун профилактика (катта) инспекторларидан махсус криминологик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига доир билимлар ва юқори касбий маҳорат талаб этилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс жавобгарликнинг муқаррарлиги Ўзбекистон республикасида қонунларга тўлиқ риоя қилиш кераклигини ҳис этади. Бу эса келажакда бошқа ҳуқуқбузарлик такрорланишига қўл қўймайди. Профилактик таъсир чораларнинг қандай таъсир кучига эга эканлигини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузаси.

- 2) Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т. 2017.- Б.317.
- 3) Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, Ю.С.Пулатов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б.474. 91
- 4) Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.94. 92
- 5) угли Г'офуров АА, о'г'ли Мустофакулов Б.А.ХУҚУҚИЯТЧИЛИКЛАРНИ профилактика хизматида КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ТАКМОНЛАШ //“ИЛМИЙ ИЛМИЙ АВТОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТИЗИЛМАЛАРИ” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 2. – 16-22-бетлар.
- 6) о'г'ли Мустофакулов БА, о'г'ли Ду'сमतов СР ОЗОДЛИГИНИ ЧЕКЛАШГА МАҲкум ОЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БО'ЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБАСИ // New Science Societiy International Scientific Journal хабарномаси. – 2024. – Т. 1. – Ё'қ. 6. – 193-200-бетлар.
- 7) Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти Дарслик муаллифлар: А.С.Турсунов, Т.Б.Маматқулов, Қ.А. Саитқулов, Б.Ф. Алимов, Х.Е.Ахмедов, Ш.Р.Ғофуров, З.Ш.Шаумаров, У.Т.Шодмонов, А.Р.Абдуғофуровлар. Тошкент 2023. 89-101-бетлар.
- 8) <https://uza.uz/uz/posts/u-u-buzarliklarning-oldini-olish-khal-farovonligi-y-lida-mu--07-09-2020>.

INNOVATIVE
ACADEMY